«Роҳийм бўлган Роббдан «Салом» сўзи бордир» | Ақийда дарслари (303-дарс)

19:00 / 18 ноябрь 575

وَهُوَ مُتَعَالٍ عَنِ الْأَضْدَادِ وَالْأَنْدَادِ

«Роббингнинг сўзлари содиқлик ва адолат ила батамом бўлди» *(Анъом сураси, 115-оят).*

قُل لَّئِنِ ٱجْتَمَعَتِ ٱلْإِنسُ وَٱلْجِنُّ عَلَىٰٓ أَن يَأْتُوا۟ بِمِثْلِ هَٰذَا

بِمِثْلِهِۦ يَأْتُونَ لَا ٱلْقُرْءَانِ

«Сен: «Агар инсу жинлар ушбу Қуръонга ўхшаш нарса келтириш учун тўплансалар... унга ўхшашини келтира олмаслар», деб айт» *(Исро сураси, 88-оят).*

قُلْ فَأْتُوا۟ بِسُورَةٍ مِّثْلِهِۦ

«Сен: «... унга ўхшаш бир сура келтиринг...» деб айт» *(Юнус сураси, 38-оят).*

Демак, Аллоҳ таоло лафз, назм ва маъно жиҳатидан Қуръонга ўхшаш нарса борлигини рад қилмоқда.

Аллоҳ таолонинг каломига қуйидаги оятлар далилдир:

وَكَلَّمَ ٱللَّهُ مُوسَىٰ تَكْلِيمًا ﴿١٦٤﴾

«Ва Аллоҳ Мусо ила ўзига хос гаплашди» *(Нисо сураси, 164-оят).*

وَلَمَّا جَآءَ مُوسَىٰ لِمِيقَٰتِنَا وَكَلَّمَهُۥ رَبُّهُۥ

«Мусо мийқотимизга келиб, Робби унга гапирганида...» *(Аъроф сураси, 143-оят).*

دَرَجَٰتٖۚ وَرَفَعَ ٱللَّهُ كَلَّمَ مَن مِّنۡهُم

«Улардан Аллоҳ гаплашгани бор ва баъзиларининг даражасини кўтарган» *(Бақара сураси, 253-оят).*

٥٨ رَّحِيمٖ رَّبٖ مِّن قَوۡلٗا سَلَٰمٞ

«Роҳийм бўлган Роббдан «Салом» сўзи бордир» *(Ёсин сураси, 58-оят).*

وقوله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ: بَيْنَمَا أَهْلُ الْجَنَّةِ
فِي نَعِيمِهِمْ إِذْ سَطَعَ لَهُمْ
نُورٌ، فَرَفَعُوا أَبْصَارَهُمْ، فَإِذَا
الرَّبُّ جَلَّ جَلَالُهُ قَدْ أَشْرَفَ
عَلَيْهِمْ مِنْ فَوْقِهِمْ، فَقَالَ:
السَّلَامُ عَلَيْكُمْ يَا أَهْلَ

قَوْلًا سَلَٰمٌ « ِإلله: ُالْقَوْلُ هُوَ ِةّالْجَنَ

رَّحِيمٍ رَّبٍّ مِّن ». فَلَا يَلْتَفِتُونَ

إِلَى شَيْءٍ مِمَّا هُمْ فِيهِ مِنَ

النَّعِيمِ مَا دَامُوا يَنْظُرُونَ

إِلَيْهِ حَتَّى يَحْتَجِبَ عَنْهُمْ،

وَتَبْقَى بَرَكَتُهُ وَنُورُهُ». (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهْ وَعَيْرُهُ عَنْ

جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللهِ رَضِيَ

اللهُ عَنْهُمَا).

Ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Аҳли жаннат ўз неъматлари ичида турганларида бирдан уларга нур чиқди. Улар нигоҳларини юқорига кўтариб, қарасалар, Робб жалла жалолуҳу уларнинг устидан қараб турибди. Бас, У Зот: «Ассалому алайкум, эй аҳли жаннат», деди. Аллоҳнинг «Роҳийм бўлган Роббдан «Салом» сўзи бордир», дегани шу.**

Модомики, У Зотга қараб турар эканлар, улардан ҳижобланиб олмагунича, ўзлари ичида турган неъматлардан ҳеч нарсага бурилмайдилар, (аммо) **Унинг баракаси ва нури** (диёрларида) **қолади»** , деган сўзлари.

(Ибн Можа ва бошқа имомлар Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишган).

إِنَّ ٱلَّذِينَ يَشۡتَرُونَ بِعَهۡدِ ٱللَّهِ وَأَيۡمَٰنِهِمۡ ثَمَنٗا قَلِيلًا أُوْلَٰٓئِكَ لَا خَلَٰقَ لَهُمۡ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ ٱللَّهُ وَلَا يَنظُرُ إِلَيۡهِمۡ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ

«Аллоҳнинг аҳдини ва ўз қасамларини озгина баҳога сотадиганлар, албатта, ана ўшаларга охиратда яхши насиба йўқдир, қиёмат куни Аллоҳ уларга гапирмас, назар солмас», *(Оли Имрон сураси, 77-оят).*

Ушбу оятда Аллоҳ гапирмаслик ила уларни хорламоқда. Яъни шарафлантирувчи гап билан гапирмайди.

Агар Аллоҳ мўмин бандаларига ҳам гапирмайдиган бўлганида, улар билан кофирлар бир хил бўлиб қолар эдилар. У ҳолда кофирларга гапирмаслигидан фойда бўлмай қоларди.

Имом Бухорий ўзларининг «Саҳиҳ»ларида «Робб таборака ва таолонинг аҳли жаннатга каломи ҳақидаги боби» деган боб очиб, бир неча ҳадисларни келтирганлар. Аҳли жаннатлар учун энг афзал неъмат Аллоҳ

таборака ва таолонинг жамолини кўриш ва каломини эшитишдир. Каломни инкор қилиш эса жаннат роҳатини ва унинг энг олий ва энг афзал неъматини инкор қилишдир. Аслида бусиз жаннат ўз аҳлига татимайди ҳам.

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.